



Analysis of words borrowed from the French language in the formation of the terminological system of the socio-political sphere of the Uzbek language

Mekhribon ABDURAKHMANOVA¹, Vasila MAMATKASIMOVA²

University of World Economy and Diplomacy

ARTICLE INFO

Article history:

Received August 2023

Received in revised form

10 August 2023

Accepted 25 September 2023

Available online

15 November 2023

Keywords:

globalization,
language,
socio-political terms,
mutual communication,
cooperation.

ABSTRACT

In the current processes of globalization, a stream of new, in particular, socio-political terms is entering the language through the establishment of mutual communication and cooperation. There is a need to translate, organize, and develop a certain system of rules for the use of terms entering the terminological system of the Uzbek language from Western European languages. Using the terms in two or three different ways, using the word as an alternative in Uzbek language, harms the purity of our language. The article analyzes the borrowed words currently used in socio-economic, and socio-political texts. Problems arising in the terminological system of the Uzbek language due to the flow of incoming information are discussed.

2181-3701/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-3701-vol1-iss5-pp102-108>

This is an open-access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Ўзбек тилининг ижтимоий-сиёсий соҳаси терминологик тизимининг шаклланишида француз тилидан ўзлашган сўзлар таҳлили

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

globallashuv,
til,
ijtimoiy-siyosiy atamalar,
o'zaro muloqot,

Ҳозирги глобллашув жараёнларида ўзаро алоқа ва ҳамкорликни ўрнатиш орқали тилга янги, хусусан, ижтимоий-сиёсий атамалар оқими кириб келмоқда. Ўзбек тили терминологик тизимида Фарбий Европа тилларидан

¹ Associate Professor, Department of Uzbek and Russian Languages, University of World Economy and Diplomacy

² Associate Professor, PhD, Department of Romance-Germanic Languages, University of World Economy and Diplomacy

hamkorlik

кириб келаётган атамаларни таржима қилиш, тартибга солиш, уларни қўллашда маълум қоидалар тизимини ишлаб чиқиш зарурати туғилмоқда. Терминларни икки-уч хил шаклда ишлатиш, ўзбек тилида муқобил варианты бўла туриб, сўзни ўзлаштириш тилимизнинг тозаллигига путур етказди. Мақолада ҳозирги кунда ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий матнларда қўлланилаётган ўзлашма сўзлар таҳлил қилинади. Кириб келаётган маълумотлар оқими сабабли ўзбек тили терминологик тизимида юзага келаётган муаммолар тўғрисида сўз боради.

Анализ слов, заимствованных из французского языка, в формировании терминологической системы общественно-политической сферы узбекского языка

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

глобализация,
язык,
социально-политические
термины,
взаимное общение,
сотрудничество.

В современных процессах глобализации в язык поступает поток новых, в частности, социально-политических терминов посредством установления взаимного общения и сотрудничества. Существует необходимость перевода, систематизации и разработки определенной системы правил употребления терминов, входящих в терминологическую систему узбекского языка из западноевропейских языков. Использование терминов двумя или тремя разными способами, использование этого слова в качестве альтернативы в узбекском языке наносит ущерб чистоте нашего языка. В статье анализируются заимствованные слова, используемые в настоящее время в социально-экономических, общественно-политических текстах. Обсуждаются проблемы, возникающие в терминологической системе узбекского языка из-за потока поступающей информации.

Тил ҳар бир миллатнинг маънавий олами, бетакрор маданиятининг кўзгусидир. Маълумки, суверен халқ тилига давлат тили мақоми берилиши тилни давлатнинг расмий рамзларидан бирига айлантиради. Давлат тили сиёсий, ижтимоий ва маданий соҳаларни бирлаштирувчи вазифани бажарувчи давлат рамзи бўлиб ҳисобланади. Шундай экан, тилимиз софлигини сақлаш, унинг табиатига зиён етказмаган ҳолда бойитиб бориш, тилни тараққий эттириш масалалари доимо кун тартибида бўлади.

Маълумки, терминология - луғат соҳаси, фан, техника, ишлаб чиқариш, санъат, ижтимоий фаолиятнинг маълум бир соҳаси, тегишли тушунчалар тизими билан боғлиқ бўлган атамалар йиғиндиси. Илм-фан, техниканинг бирор соҳаларига хос муайян тушунчанинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўз ёки бирикма атама дейилади. Демак, тилдаги умумистеъмолдаги сўз илмий атамага айланиши мумкин. Терминологиянинг шаклланиши ижтимоий ва илмий-техник тараққиёт билан боғлиқ экан, фан ва техниканинг ушбу соҳаси, инсон фаолияти

соҳасининг замонавий ривожланиш даражасига мос келиши керак; у тарихий жиҳатдан ўзгарувчан, шаклланишида турли манбаларга эга.

Маълумки, ўзбек тилининг ижтимоий-сиёсий соҳасига хизмат қилувчи луғат таркибининг шаклланиши ҳозирги Марказий Осиё ҳудудида давлатчилик шаклланиши билан боғлиқ узоқ ва мураккаб тарихий даврларни қамраб олади. Ўзбек тили луғат таркибининг ривожланишида араб ва форсча сўзларнинг улуши катталиги сир эмас.

Илмда мавжуд усуллар асосида таҳлил қиладиган бўлсак, жумладан,

- ҳеч қандай ўзгаришсиз сўзни тилда қўллаш, транслитерация (тўлиқ ёки қисман), яъни бошқа тилдаги сўзни айнан ўзбек алифбоси асосида шундайлигича ёзиш орқали: **раддия, талафот, таслим, ғолиб, ҳужум, ҳукумат, мусоҳаба, конституция каби**;

- калькалаш, қисман калькалаш, яъни араб, форс-тожик ўзагидан ҳамда ўзбек ва форс-тожикча ясовчи аффиксларидан ярим калькалаш усули орқали: **давлатлараро, давлатчилик, тажовузорлик, ҳарбийлаштирилмоқ, тарафдорлик, тарафкашлик каби**;

- семантик калькалаш орқали: **аралашмаслик сиёсати, дахлсизлик, сиёсий муҳожир, ажнабий, фавқулодда вазият, умумдавлат каби**;

- мазмунан яқин таржима, изоҳ, талқинини бериш орқали: **элтиб бериш**

- ўз тилида мос муқобил вариантыни бериш орқали: **мухтор вакил, бошпана, инсонпарварлик ёрдами, аралашув, бетарафлик, мурасасозлик, муқаддима (преамбула), кенгаш** ва бошқа усуллар ёрдамида сўзлар ўзбек тилига ўзлаштирилган.

Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги биргина халқаро муносабатлар соҳасига оид терминларнинг луғавий таркиби «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» асосида таҳлил қилинганда, 174 сўз ўзбек, 95 сўз араб, 75 сўз рус ва 4 сўз форс-тожик тилидан ўзлашгани кўринади. Умуман, ўзбек тилига бошқа тиллардан сўз ўзлашиш ҳолати анча фаолдир. Тушунча ва атамаларни айнан ўзгаришсиз қўллаш кенг кузатилади.

Албатта, атамаларни таржима қилишнинг барча мавжуд усулининг ўзига хос ижобий ва салбий жиҳатлари бор. Шу боис уларнинг маъносини беришда таржиманинг ҳамма усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Воқеликни ёки атамани таржима қилишда маълум бир техникани танлаш тўғрисидаги қарор бевосита таржимон-мутахассис олдида турган вазифага боғлиқ бўлади.

Иккинчи томондан, атамалар реалиялар каби кўп ҳолларда бошқа тилга ўгирилмайди, тилнинг луғат таркибида ажралиб туради, кўп тилларда асл манбасидаги каби қўлланилади. Шу маънода тилда муқобили бўлмаган тушунчаларни таржима қилишнинг мавжуд усуллари ўзига хос мантиқий ёндашувни талаб этади. Бироқ, шу билан бирга, асл муаммо ва уни ҳал қилиш усуллари соф лисоний категориялар билан эмас, балки амалий жиҳатдан белгиланиши, яъни мақсад ушбу тушунчаларнинг иложи борида содда, аниқ, тушунарли ва бир маъноли муқобилини топиш зарурлигини ҳам эътиборга олиш зарур.

Ҳозирги глобаллашув жараёнларида ўзаро алоқа ва ҳамкорликни ўрнатиш орқали тилга янги, хусусан, ижтимоий-сиёсий атамалар оқими кириб келмоқда. Хусусан, ўзбек тили терминологик тизимига Ғарбий Европа тилларидан кириб келаётган атамаларни таржима қилиш, тартибга солиш қониқарли даражада эмас. Кириб келаётган маълумотлар оқими, айниқса, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-

иктисодий термин ва тушунчаларнинг кўплиги ва оммавий ахборот воситалари, соҳа мутахассислари нутқи, таҳлилий маълумотларни тартибга солиш ҳамда назорат қилиш имкони йўқлиги сабабли терминологик тизимимизда етарлича муаммолар юзага келмоқда. Бундай ҳолат терминларни ўзлаштириш, калькалаш, изоҳлашда муайян қийинчиликларни юзага чиқармоқда.

Профессор Х.Дадабоев ўзбек терминологияси тизимидаги камчиликларни таҳлил қилиб, терминларнинг янада тараққий этиши ва такомиллашувида она тилининг ички манбалари ва сўз ясаш усулларида қониқарли тарзда фойдаланманмаётганимизни қайд этади.

Шу ўринда ҳозирги кунда ўзбек адабий тили ижтимоий-сиёсий нутқида кенг қўлланилаётган французча сўзлар таҳлиliga тўхталмоқчимиз.

“Консолидация” (лот. consolidatio - kuchaytiraman) сўзи “мустаҳкамлаш” маъносини англатиб, ўзбек тилида бирлашув, жипслашув, бирдамлик маъноларида қўлланилади. Ушбу сўзнинг ҳозирги ўзбек адабий тилида таржимасиз айнан қўлланилаётганини кузатишимиз мумкин. Шунингдек, **консолидировать и консолидироваться** феълининг консолидациялашмоқ шакли ҳам ижтимоий-сиёсий матнларда кенг ишлатилмоқда. Масалан, *мамлакатимизнинг консолидациялашган бюджети таркибига Давлат бюджети, давлат ... жамғармаси маблағлари киради. Бу ўринда ўзлашма сўз “тўпланган” маъносида келган.*

“Модернизация” (франц. moderne — энг янги, замонавий) — бирор нарсани янгилаш, унга замонавий тус бериш, уни замонавий талабларга мувофиқ ўзгартириш, француз тилида “замонавийлаштириш” маъносини англатиб, ўзбек тилида ушбу атама **замонавийлаштириш, замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш, янгилаш** маъноларида қўлланилади. Масалан, *ускуналарни модернизациялаш, яъни уларни замонавийлаштириш, янгилаш, янги талабларга мослаш, замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш.* Одатда бу термин ўзбек тилида модернизациялаш, модернизация қилиш шаклида ишлатилипти. Масалан, *“Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш – замон талаби”.*

“Фундаментал” (франц. fondamental — асосий) сўзи французча “асосий” маъносини ифодалайди. Ушбу атама **мустаҳкам, улкан, чуқур, атрофли, асосли, асосий, марказий, аҳамиятли, жиддий, муҳим** каби маъноларда қўлланилади: *мустаҳкам девор, чуқур илмий изланиш, сиёсатдаги муҳим вазиятлар, марказий кутубхона* каби. Ушбу атама ҳам тилимизда таржимасиз кенг қўлланилмоқда. Масалан, *... ҳар қандай жамиятда ҳам прогрессив фикрловчи, фундаментал ҳуқуқларнинг фидойи ҳимоячилари ҳам борки, улар вазиятни яхши томонга буришга доим ҳаракат қилишади.*

Демак, **фундаментал** ўзлашма сифати ўз маъносида мустаҳкам, катта, улкан; кўчма маънода эса муҳим, жиддий, чуқур, пухта, асосли каби мазмунда қўлланилади.

“Трансформация” (лот. transformatio — қайта ўзгариш, қайта ҳосил бўлиш) атамаси ҳозирги ўзбек тилида ижтимоий-сиёсий матнларда бир ҳолдан бошқа ҳолга ёки бир шаклдан бошқа шаклга ўтиш, ўзгариш; бир ҳолдан бошқа ҳолга ўтказиш, ўзгартириш каби ҳолатларни ифодалайди. Масалан, *“...мазкур қарорга 1-иловада кўрсатилган корпоратив буюртмачиларда харидлар трансформацияси офисларини ташкил қилиш чораларини кўрсин”* (фармон матнидан).

“Децентрализация” (лот. de va centralisation – Décentralisation) сўзи “марказлашган системадан марказлашмаган системага ўтиш ёки ўтказиш” маъносида қўлланади, яъни марказий ҳокимият органларининг айрим

функцияларини маҳаллий ҳокимиятларга ўтказишга асосланган бошқарув тизими маъносини ифодалайди. Масалан, “... мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишни тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини децентрализация қилиш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлар ва ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш”; Бунда давлат бошқарув тизими вазифаларини маҳаллий идораларга бериш назарда тутилади.

“Радикал” (lot. radicalis — илдизга оид) атамаси аслида “ўзак, негиз” маъносини ифодалаб, ўзбек тилида қатъий, кескин, туб ва кескин ўзгаришлар тарафдори маъноларида қўлланилади. Ушбу атама ҳам айнан шу шаклда ўзбек тилида ишлатиб келинмоқда. Масалан, радикал қарашларни тарқатишни давом эттирмоқда. (қонун матнидан)

“Конвертация” (лот. convertatio — ўзгартириш, айлантириш) атамаси аслида “тубдан ўзгартириш, қайта тузиш” маъносини ифодалаб, миллий валютанинг амалдаги курс бўйича бошқа хорижий валютага эркин ва чекланмаган миқдорда алмаштирилиши тушунилади. Демак, **“алмаштириш, ўзгартириш”** маъносини ифодалайди. Масалан, “Эркин конвертация амалиёти жорий қилинган вақтдан бошлаб хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш билан боғлиқ валюта операциялари ҳажми бир неча баробар ошди” (ЎЗР Миллий банки расмий сайтидан). “Конвертировать” феъли “конвертация қилмоқ” шаклида қўлланыпти: мулкни конвертация қилиш, валютани конвертация қилмоқ каби.

“Фонд” (франц. Fonds — маблағ, пул) атамаси аслида французча “тузиш, ташкил этиш, барпо этиш” маъноларини ифодалаб, ўзбек тилида жамғарма, захира, бойлик маъноларини беради. Фонд атамаси ҳозирги ўзбек адабий тилида “жамғарма” сўзи билан бир қаторда қўлланиб келмоқда. Масалан, “... Жамоат фондимиз “Xavfsiz Yordam” лойиҳасини бошлади”, “Zamin фонди 300 нафар кам таъминланган болаларда юрак операцияларини ўтказди.”

“Компания” (франц. Compagnie) французча - “жамоа, жамият” улфатлар, улфатчилик, ширкат маъноларида ишлатилади. Ҳозирги кунда ўзбек тилида қўлланиладётган маъноси “жамият”, “ширкат” демакдир. Масалан, “Корпоратив бошқарув кодекси. «Ўзбекинвест» экспорт-импорт акциядорлик жамияти суғурта компанияси умумий суғурта бозорида ўз фаолиятини олиб боради”

“Демаркация” (франц. Démarcation — чегарани аниқлаш, белгилаш) француз тилида “чегаралаш, чегара қўйиш” маъносини ифодалаб, чегаралаш, чегарани аниқлаш, белгилаш каби маъноларда қўлланилади. Масалан, “... Давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш масалаларини ҳал этиш 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз аксини топган”, яъни давлат чегараларини белгилаш деган мазмунда.

“Конструктив” (франц. Constructif) яъни французча “йиғиш, барпо этиш учун хизмат қиладиган” тушунчаси “тузилишига оид ёки асос бўла оладиган, асос қилиб олса бўладиган” маъноларини англатиб, **амалий, фойдали, маъқул** маъноларида қўлланади..

Масалан, “Асосий мақсадимиз мамлакатларимиз ва халқларимизнинг бугунги куни ва истиқболи учун масъулиятни ҳар томонлама чуқур англаш, очиқ ва конструктив ҳамкорликка тайёр барча томонларни глобал мулоқотга жалб қилишдан иборат”.

“Агрессия” (франц. aggression лат. aggressio – хужум қилиш) XX аср бошида француз тилидан кириб келган сўз. Бир давлат (давлатлар гуруҳи) томонидан бошқа давлатнинг ёки халқнинг (миллатнинг) суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши БМТ Устави нуқтаи назаридан ғайриқонуний бўлган ҳар қандай куч ишлатиш. Агрессиянинг энг хавфли кўриниши қуроли куч ишлатишдир. Ўзбек тилида **тажовуз** тушунчасини ифодалайди. Масалан, *Саммитнинг умумий резолюциясида Исроилнинг Ғазодаги ҳаракатлари қораланди. «Биз Исроилнинг Ғазодаги агрессиясини, Ғарбий соҳил, Шимолий Қуддусдаги Фаластин халқига қарши колониал босқинчи ҳукумат томонидан ноинсоний ва ваҳшийларча амалга оширилаётган оммавий қотиллик кўринишидаги ҳарбий жиноятларни қоралаймиз. Бу агрессия тезда тўхтатилишини талаб қиламиз», дейилади баёнотда. Келтирилган матнда “агрессия” тушунчаси “тажовуз” маъносига қўлланган.*

“Анкета” – (франц. enquête). Тегишли маълумот олиш, тўплаш учун белгиланган сўроқ варақаси, **сўровнома** маъносини ифодалайди. Масалан, “Анкетга киритиладиган барча маълумотлар хорижга чиқиш паспортингиздаги билан айнан бир хил бўлишига эътибор беринг”. “Анкета” “сўровнома” маъносига қўлланган.

“Вассал” (lot. vassalus < vassus — хизматкор) қарам, бўйсунувчи маъносини ифодалайди. Ўзбек тилида **бўйсундирилган, тобе** (одам ёки давлат) дегани. Масалан, “Россия империяси вассали бўлган Бухоро амирлигининг тўраси....”. Ушбу мисолда “империяга тобе бўлган” маъносига қўлланган.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, тилимизда қўлланаётган ўзлашма сўзларнинг муқобил варианты, таржимаси ўзбек тилида мавжуд.

Ижтимоий-сиёсий матнда қўлланилган атамалар бир хил маънода тушунилиши ва бошқача талқин қилиш имконияти бўлмаслиги зарур. Термин сифатида уларнинг икки хил шакли ҳам тилда бирдек қўлланаверса, мужмаллик, ноаниқликни юзага келдтиради. Тушунчани икки ёки ундан ортиқ маънодош сўзлар орқали ифодаламаслик керак. Тилда ўзлашма сўзнинг аниқ мазмуни ва ифодалаётган тушунчанинг асл моҳиятини ифодаловчи сўз бўлса, имкон қадар уни оммавийлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқоридаги мисоллар таҳлили асосида хулоса қиладиган бўлсак, ўзбек тилида айни маънони ифодалай оладиган тил бирлиги бўла туриб, синоним сифатида ўзлашма сўзни ҳам тилга киритиш нафақат унинг софлигига путур етказди, балки умумистеъмолда мавжуд сўзларнинг атама сифатида қўллаш имконини ҳам чеклаб қўяди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дадабоев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. – Ташкент: Ёзувчи, 1991й.
2. Абдуллаева А. Роль заимствований из арабского и персидско-таджикского языков в формировании терминосистемы сферы международных отношений узбекского языка.- Тошкент 1998
3. Пашковская Наталья Дмитриевна, Сукроева Наталия Сергеевна О специфике перевода общественнополитических текстов // ИСОМ. 2015. №5-1. URL:

<https://cyberleninka.ru/article/n/o-spetsifike-perevoda-obschestvennopoliticheskikh-tekstov> (дата обращения: 25.11.2023).

4. Анисимова. А. Методология перевода англоязычных терминов гуманитарных и общественно-политических наук. – Москва 2010

5. Dictionnaire de l'Académie française, Paris, 1932-1935.

6. Le Petit Robert de la langue française, Paris, 2015.